

Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий
таърифи
(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 25 465 тани ташкил қилиб, шундан 25 041 таси ёки 98,3 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5 535 та (21,7 фоизи), саноат 5 143 (20,2 фоизи), қурилиш 2 058 та (8,1 фоизи), ахборот ва алоқа 1 041 та (4,1 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1 379 та (5,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	25 465	100,0	25 041	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 379	5,4	1 354	5,4
саноат	5 143	20,2	5 084	20,3
қурилиш	2 058	8,1	2 030	8,1
савдо	5 535	21,7	5 427	21,7
ташиш ва сақлаш	1 007	4,0	991	4,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 101	4,3	1 085	4,3
ахборот ва алоқа	1 041	4,1	1 023	4,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	628	2,5	624	2,5
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	7 573	29,7	7 423	29,6

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 79,2 фоизи тижорат ташкилий ҳукуқий шаклидаги корхоналар, шундан 40,6 фоизи хусусий корхоналар, 0,9 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизи акциядорлик жамиятлари, 37,4 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагicha тақсимланади:

1 июль ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-июнъ ойларида жами 2 272 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2 134 та). Уларнинг асосий қисми Фарғона шаҳар (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 20,0 фоизи), Кўқон шаҳар (13,5 фоиз), Марғилон шаҳар (10,0 фоиз), Бувайда тумани (6,4 фоиз), Кува тумани (6,3 фоиз), Олтиариқ (4,7 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 31,8 фоизи саноат, 23,8 фоизи савдо ва 8,5 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 668 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тутатилган бўлиб, улардан 115 таси (жами фаолияти тутатилганларнинг 17,2 фоизи) ихтиёрий тутатилиш тартибини қўллаш орқали тутатилган.

2017 йил январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуидагида ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

